

ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ БОСҚИЧНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бафоев Жавоҳир Жасур ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Академияси 320-гуруҳ курсанти

Терговга қадар текширув босқичи шахс ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг қонуний кафолати бўлиб, ариза ва шикоятлар билан муурожаат қилган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини таъминлаш билан бирга, жамиятда содир этилиш мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишда *ижтимоий-сиёсий, жиноий-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал* жихатдан муҳим аҳамият касб этади.

Терговга қадар текширувнинг *ижтимоий-сиёсий* аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

– терговга қадар текширув натижасида қабул қилинадиган қонуний ва асосли қарор фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига бўлган ишончи янада мустаҳкамлайди;

– фуқаролар ўртасида юзага келган низоли вазиятларни тез ва қонун йўли билан бартараф этади;

– терговга қадар текширув натижаси бўйича фақат тегишли ваколатларга эга давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қарорлар қабул қилинади.

Терговга қадар текширувнинг *жиноий-ҳуқуқий* аҳамияти шахснинг содир этган жиноятини квалификация қилишнинг умумий белгиларини ва содир этилган ижтимоий қилмиш қайси юридик жавобгарлик турига тегишли эканлиги билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш, шунингдек, жиноят таркиби борлиги аниқланган вазиятларда эса ижтимоий хавфли қилмишнинг ЖКнинг айнан қайси моддаси, қисми ва бандига тааллуқли эканлигини белгилашдан иборат.

Терговга қадар текширувнинг *жиноят-процессуал* аҳамияти қуйидагилардан иборат:

– жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахснинг жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларнинг фош этилишини таъминланади;

– иш бўйича тўпланган барча далиллар ва маълумотлар чуқур таҳлил қилиниб, баҳо берилади ва улар асосида тегишли хулоса чиқарилади;

– терговга қадар текширув жараёнида иштирокчиларининг ҳимояланишга доир конституциявий ҳуқуқлари амалга оширилади, шунингдек, жиноят процессининг бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланади;

– терговга қадар текширув жараёнинг якунидан манфаатдор бўлган процесс иштирокчиларида қонунда белгиланган муддат давомида ваколатли мансабдор шахсларнинг жиноят ишини қўзғатиш, қўзғатишни рад этиш ёки тегишлилигига кўра юбориш тўғрисида чиқарган қарори устидан прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқи юзага келади;

– фуқароларнинг қонунга зид равишда жиноий жавобгарлик ва жазога тортилмасликлари учун процессуал қафолатлар яратилади.

Жаҳонда жиноят ишларига доир ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш, фуқароларнинг мурожаатларига сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш амалиётига барҳам бериш, терговга қадар текширув органлари фаолиятининг шаффофлиги ва ошкоралигини таъминловчи миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида учрайдиган жиноят-процессуал муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш эҳтиёжи юзага келмоқда.

Республикамизда ишни судга қадар юритиш жараёнида қонун устуворлигини қафолатлаш бўйича кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу эса терговга қадар текширув босқичида жиноят содир этган ёки жиноятдан жабр чеккан шахсларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, жиноят ишини қўзғатиш сабабларининг қонунийлиги ва асосларининг етарлилигини текширишда ўтказилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар тизимини оптималлаштириш, ушбу босқичда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳо бериш тизимини янги босқичга олиб чиқиш, замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни рўйхатга олиш тартибини такомиллаштиришни ўзида акс эттирган халқаро ҳамда ривожланган давлатлар қонунчилигининг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, шунингдек терговга қадар текширув органлари фаолияти шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги тўрт йил давомида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш, инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда ҳеч бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва кадр-қиммати камситилишига ҳамда содир этмаган қилмиши учун ноҳақ жавобгарликка тортилишига йўл қўймасликни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашда жиноятчиликни жиловлаш, жиноий қилмишлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш борасидаги ишлар муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, терговга қадар текширув амалиёти таҳлили ушбу фаолиятни амалга оширувчи органларнинг фаолият самарадорлигига тўсқинлик қилаётган, жиноятларни фош этишга кўмаклашувчи органларнинг холислигига салбий таъсир кўрсатаётган тизимли муаммо ва

камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, терговга қадар текширув жараёнини такомиллаштириш борасида чоратадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Ушбу жараёни такомиллаштириш учун эса терговга қадар текширувнинг мазмун-моҳиятини аниқлаб олиш талаб этилади. Терговга қадар текширув тушунчаси жиноят-процессуал қонунчилигида нисбатан янги тушунча ҳисобланса-да, лекин унинг янгилиги ушбу тушунчанинг аввал юридик илмий адабиётларда ёки нашрларда ишлатилмаганлиги билан эмас, балки Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-442-сон қонуни қабул қилиниши асосида янги мазмунга эга бўлганлиги билан боғлиқдир.

Мазкур қонун билан жиноят процессида ишни судга қадар юритиш босқичи янги таркибий тузилишга эга бўлди, яъни ишни судга қадар юритиш босқичи терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларига бўлинди. Жиноят-процессуал кодекснинг 320²-моддасида терговга қадар текширув тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра, терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустақамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади.

Д.М. Миразовнинг фикрича, терговга қадар текширув жиноят процессининг бирламчи босқичи бўлиб, унда жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар текширилиши ва жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатмаслик масаласи ҳал этилади¹. Ушбу босқичда жиноий қилмиш натижасида жабрланган фуқароларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни амалга ошириш жараёни бошланади².

Терговга қадар текширув тушунчасига берилган яна бир таъриф мавжуд бўлиб, унга кўра жиноят ҳақидаги ариза, хабар ёки бошқа маълумотни рўйхатга олиш ҳамда жиноят ишини қўзғатиш сабабларини, қонунийлигини ва асослар мавжудлигини аниқлаш мақсадида айрим тергов ва процессуал ҳаракатларини ўтказиш, олинган ёки аниқланган маълумотлардан келиб чиқиб, жиноят иши қўзғатиш ёки иш қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш жараёни тушунилади³, деб қайд этилган.

Терговга қадар текширув институти жиноят-процессуал ҳуқуқ соҳасида мустақил институт сифатида намоён бўлса-да, амалдаги жиноят-процессуал кодексда терговга қадар текширув органлари жиноят ишини юритишга масъул

¹ *Миразов Д.М.* Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари: Юрид. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Т., 2016. – Б. 128.

² *Миразов Д.М.* Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари: Ўқув қўлланма. – Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 4.

³ *Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик (юридик фанлар доктори, профессор М.А. Ражабова таҳрири остида. Тўлдирилган ва қайта ишланган учинчи нашри).* – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б. 20

бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар гуруҳига киритилган. Бизнинг фикримизча, терговга қадар текширув органларининг жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар гуруҳига киритилиши қонун нормалари ўртасидаги коллизия ҳолатларни вужудга келтиришга сабаб бўлмоқда. Зеро, амалдаги жиноят-процессуал кодекси талабларига мувофиқ, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органларининг фаолияти бевосита жиноят иши қўзғатилганидан кейин бошланади. Терговга қадар текширув органларининг фаолияти эса жиноят ҳақида хабар келиб тушган вақтдан то жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарорлардан бири қабул қилинганда яқунланади. Яъни терговга қадар текширув органлари жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар гуруҳига кирмайди.

Терговга қадар текширув жараёни жиноят процессининг бошланғич босқичи сифатида намоён бўлиб, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар қабул қилинган вақтдан бошланиб, жиноят ишини қўзғатиш, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида қарор қабул қилинганга қадар бўлган даврда амалга оширилади.

Жиноят ишини қўзғатиш сабаблари амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 322-моддасида келтириб ўтилган бўлиб, ушбу сабаблар бевосита терговга қадар текширувни бошлаш учун хизмат қилади. Жумладан:

- 1) шахсларнинг аризалари;
- 2) корхона, муассаса, ташкилот ҳамда жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;
- 3) оммавий ахборот воситаларининг хабарлари;
- 4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни терговга қадар текширув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи аниқлаши;
- 5) айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, терговга қадар текширув босқичи жиноят процессида жиноятларни дастлабки тергов қилишнинг шаклларида биридир. У жиноятчиликка қарши кураш вазифаларини бажаришга қаратилган бўлиб, жиноят-процессуал кодекси билан тартибга солинган, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар томонидан жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни қидириб топиш, жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмас тергов ва бошқа барча ҳаракатларни ўтказиш фаолиятидан иборат бўлган ишни судга қадар юритишнинг алоҳида шаклидир.